

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2024 йил апрель ойининг 8 куни, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносидан ўтказилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори [REDACTED] [REDACTED] оид жиноят ишини унинг ўзи томонидан апелляция тартибида берилган шикоятга асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 22 январь кунидаги ҳукмига кўра,

1993 йил 12 июль куни Қумқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2022 йил 18 августдаги ажримига кўра, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган, ЖК 77-моддасига асосан судланмаган, [REDACTED] жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2023 йил 20 сентябрь кунидаги ажрими билан сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2023 йил 11 октябрь кунидан қамоқда сақланаётган, Қумқўрғон туман [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] ўзганинг мулкани алдов йўли билан қўлга киритиб мўмай даромад топиш илинжида, 2021 йил сентябрь ойларида ўзига таниш бўлган Термиз шаҳар “Тинчлик” маҳалласида яшовчи фуқаро [REDACTED] ишончига кириб, унга Қозоғистон Республикасидан олиб келган 215 бош наслдор қўйларини 404 млн сўмга сотиб беришига ишонтириб, аввалдан тузган жинойий режасига мувофиқ келишилган 215 бош қўйларни олиб, шундан 159 млн сўмини бериб, қолган 225 млн сўм миқдоридаги пулларни бермаслик



мақсадида турли баҳоналарни рўқач қилиб, [REDACTED] жуда кўп миқдорда моддий зарар етказган.

Судланувчи [REDACTED] шикоятда, айбсизлиги, [REDACTED] билан ўрталаридаги қўйларни сотиб бериш борасидаги оғзаки келишув жиноят эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабат эканлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судланувчи [REDACTED] апелляция инстанция судида, шикоятни қувватлаб, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, [REDACTED] 2021 йилдан танишини, қўйларни сотиб олишни [REDACTED] таклиф қилганлиги, уни алдамаганлиги, [REDACTED] қўйларни боқишга, уларни Сурхондарёга олиб боришга ҳам пули йўқлигини айтиб, қўйларни сотиб олишни илтимос қилганлиги, жами бўлиб 207 бош қўйни 304 млн сўмга келишиб сотиб олганлиги, 134 бош қўзининг ҳар бирини 1 млн 150 минг сўмдан ҳисоблаб олганлиги, 73 бош катта қўйларнинг ҳар бир бошини 2 млн 300 минг сўмдан ҳисоблаб олганлиги, қўйларни уйига олиб келганидан сўнг уларни сотишга қийналганлиги, бозорда нарх арзон бўлгани сабабли [REDACTED] кўнғироқ қилиб, ундан қўйларини қайтариб олиб кетишини сўраганида у олиб кетмаганлигини, қўйларни бозорга чиқариб арзон нархда сотганлиги, чунки улар касал бўлиб қолганлиги, жами қўйларнинг сотишдан тушган пуллар 256 млн сўм бўлганлиги, шундан 173 млн сўмини [REDACTED] бергани, қолган пулларни эса касал бўлиб қолгани учун ўзига ишлатгани, [REDACTED] ҳозирда қўйларнинг нархини ошириб айтаётганлиги, ундан 131 млн сўм қарзи борлигини баён қилиб, айбсизлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] апелляция инстанцияси суд мажлисида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, акасининг номида бўлган [REDACTED] фермер хўжалигида иш бошқарувчи бўлиб ишлаб келиши, 2021 йилда чорвачиликни ривожлантириш учун [REDACTED]” орқали фермер хўжалик номига 1 млрд сўм миқдорида кредит олганликлари, Қашқадарёлик таъминотчи орқали Қозоғистондан қўй олиб келганликлари, Қашқадарёга қўйларни олишга борганида Қозоғистонлик сотувчилар уларга фақат эркак қўй кўчқор юборганликларини билганлиги, бу масалада уларга мурожаат қилганлари билан фойдаси бўлмаганлиги, кўчқорларни купайтириш имкони бўлмагани сабабли уларни сотиб, пулига бозордан урғочи қўй олмоқчи бўлганлиги, ҳақиқатан ҳам судланувчи [REDACTED] телефон қилиб, Қашқадаёрга чақирганлиги, мақсади қўйларни Қашқадаёрга олиб кетиш бўлгани, [REDACTED] қўйларнинг ҳаммасини олишини айтиб, 70 фоизи пули тайёр турганлигини айтганлиги, қолган пулларни эса 1 ой ичида қилиб беришини айтганлиги, шундан сўнг унга 207 бош қўйни жами 404 млн сўмга ҳисоблаб берганлиги, [REDACTED] унга бошида берган 18 млн 500 минг сўм билан қўшиб ҳисоблаганда жами 173 млн сўм пул бериб, қўйларни сотиб юборганидан сўнг ҳам қолган 225 млн сўм пулларни бермасдан алдаб кетганлиги, унинг



ортдан роса югурганлиги, келишувга [REDACTED] ва таъминотчи гувоҳ бўлганлиги, лекин ҳозирда уларни топа олмаётганлиги, бир бош қўй Қозоғистондан 200 АҚШ доллариға келганлиги, буни тасдиқлайдиган юк хатлари ва божхона ҳужжатлари жиноят ишида мавжуд эканлиги, ўзи биринчи партиядә 215 бош қўй келганлигини, унинг ичидан битта яримтаси ўлганлиги, боққан чўпонга берганлиги, қолган 207 тасини [REDACTED] сотганлиги, қўйларни катта-кичиклигига қараб жами 404 млн сўмга нархлаб сотганлиги, иккинчи партиядә келган қўйларни ҳам сотиб, пулини кредитни ёпишга ишлатгани, банк кредит мақсадли сарфланмаган деб кредитнинг имтиёзини бекор қилиб, барча суммани бирдан тўлашни талаб қилганлиги, шу кунга қадар жами 850 млн сўм кредитни ёпганлиги, судланувчидан 225 млн сўм пулдан ташқари, кредитнинг фоизини ҳам ундириб беришни сўрашини баён қилиб, суд ҳукмини ўз кучида қолдиришни сўради.

Қўшимча гувоҳ [REDACTED] апелляция инстанцияси суд мажлисида, жабрланувчи [REDACTED] “Туронбанк”дан чорвачилик учун 1 млрд сўм кредит олаётганида танишлари орқали унга учрашиб, “Камаз” русумли юк автомашинасини гаровга қўйиб туришни илтимос қилганлиги, ундан олдин у билан билан таниш бўлмаганлиги [REDACTED] кредит олиб, Қозоғистондан қўй олиб келишини айтганлиги, шундан сўнг [REDACTED] билан “Камаз” русумли юк автомашинасини гаровга қўйиш эвазига 200 млн пул олишга келишганлигини, 2021 йил сентябрь ойида биринчи партиядә қўйлар келганида [REDACTED] билан бирга Қашқадарёга қўйларни кўришга бирга борганлиги, [REDACTED] пулга қийналиб қолганлигини айтиб, уни жўнатиб юборганлигини, орадан бир неча кун ўтиб, [REDACTED] унга 2.500 АҚШ доллари берганлиги, кейин яна бир марта 15 млн сўм пул берганлиги, шу орада акаси қамалиб қолганлиги, [REDACTED] келишилган пулнинг қолган қисмини беришни сўраганида у қўйларни Қумқўрғонга сотганлиги, шундан 234 млн сўм пул олиши кераклигини айтганлиги, [REDACTED] билан бирга 3 маротаба судланувчи [REDACTED] уйига борганлиги, биринчи марта 2021 йил октябрь ойида борганлиги, лекин пул ололмаганликлари, [REDACTED] пулни ҳозирги қадар ололмаганлиги, ўтган йили [REDACTED] билан учрашиб қолганида у [REDACTED] билан ўрталарида 131 млн сўм пул қолганлигини айтиб, келишолсангиз шу пулни сизга бераман деб айтганлиги, [REDACTED] неча бош қўй сотганлиги, қўйларнинг умумий нархини айтмаганлиги, фақат 234 млн сўм пулим қолган деб айтганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] шикоятни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] шикоятни қаноатлантириб, жиноят ҳодисаси юз бермаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги музокара фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши материаллари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.



Судланувчи [REDACTED] айбига иқрорлик билдирмаган бўлса-да, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судидаги қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED] ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, Қозоғистон Республикасидан “[REDACTED]” фермер хўжалигига қўйларнинг олиб келинганлигини тасдиқловчи счёт-фактура ва юк хатлари нусхалари, судланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] ўртасидаги сўзлашувларнинг стенограммалари ҳамда ишда тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Апелляция инстанцияси суди, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган ҳолатда жиноят таркиби мавжуд эмаслиги, ушбу ҳолат фуқаролик ҳуқуқий муносабат эканлиги тўғрисидаги важларига ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларга асосан уларнинг ушбу важларини асоссиз деб топиб, рад қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида, фирибгарлик яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 4-бандида “Фирибгарликда алдаш деганда айбдор томонидан, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириши ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади. Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти тааллуқли бўлиши мумкинлиги;

10-бандида, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонун талабларига мувофиқ тузилган битимлар, шартномаларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик ҳам, бундай ҳолда ўзгалар мулкни эгаллашда ҳуқуққа хилофлик белгиси бўлмаганлиги туфайли фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки мулк битим, шартнома бўйича бир тарафдан иккинчи тарафга, жумладан тарафлар учун ўзаро моддий манфаатни назарда тутувчи муайян шартлар билан берилади. Агар битим, шартнома шартлари бажарилмаса, қонунга кўра (ФК 2, 9, 24-боблари, ФПК II бўлимининг 2-кичик бўлими, ИПК 18-боби) бузилган ҳуқуқ фақат фуқаролик ёки иқтисодий иш юритуви тартибида тикланиши мумкин бўлиб, уларда мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун етарли ҳуқуқий воситалар мавжуд.



Шу муносабат билан, қонун талабларига мувофиқ тузилган фуқаролик-ҳуқуқий битим, шартнома бўйича жиноят белгилари мавжуд бўлмаган барча ҳолларда, низо фуқаролик, иқтисодий ишлар бўйича суд томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Тушунтирилсинки, агар битим, шартнома тузилиши пайтида тарафлар хоҳиш-иродаси эркин ифода этилган бўлиб, унинг шаклига нисбатан Фуқаролик кодексида белгиланган қуйидаги талаблар бажарилган бўлса, у қонун талабларига мувофиқ тузилган ҳисобланади, яъни:

оғзаки шакл - тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган (жетон, патта, квитанция ва ҳ.к. олиш пайтида) битим, ҳады шартномаси ёки фуқаролар ўртасида тузиладиган қарз шартномаси (агар шартнома суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаса) тузилаётганда;

оддий ёзма шакл (тилхат, хат, ҳужжатлар ва ҳ.к.) - қуйидаги шартномалар: гаров, кафиллик, закат, маҳсулот етказиб бериш, энергия таъминоти, кўчмас мулкни сотиш, ҳады (агар ҳады берувчи юридик шахс бўлса ёки шартнома суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлса), мулк ижараси (агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса), прокат, юридик шахслар ўртасидаги бино ижараси, лизинг, юридик шахслар ўртасидаги уй-жой ижараси, пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи ташиш, фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси (агар шартнома суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлса), кредит, банк омонати, топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш, омонат сақлаш, суғурта тузилаётганда;

нотариал тасдиқланган шакл - қуйидаги шартномалар: давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этиладиган автотототранспорт, ер участкаси, бошқа кўчмас мулк олди-сотдиси, айирбошлаш, кўчмас мулк ва автотототранспорт ҳадыси, рента, уй-жой (квартирани) бошқа шахсга бериш, кўчмас мулк ижараси, корхона, автотототранспорт воситалари бино (фуқаролар ўртасида) ижараси, фуқаролар ўртасидаги уй-жой ижараси тузилаётганда” деб тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи [ ] жабрланувчи [ ] тегишли 207 бош қўйларни сотиб олаётганида ўртада шаклига нисбатан Фуқаролик кодексида белгиланган талаблар бажарилган ёзма шартнома тузилмаган.

Бундан ташқари, судланувчи [ ] қўйларни бозорда сотиб юборганидан сўнг бир қисм пулларини ўзининг даволаниши учун сарфлаб юборганлигини исботловчи бирон бир далил мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати, судланувчи [ ] жабрланувчи [ ] алдаб, унга тегишли 207 бош қўйларнинг қўлга киритиш нияти унда ушбу мулкни олишдан олдин пайдо бўлган деган хулосага келди. Чунки судланувчи [ ] қўйларнинг 70 фоиз пули таёрлигини айтиб, жабрланувчи [ ] ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотларни айтиб, уни янглиштиришга қасддан ҳаракат қилган.



Бундай ҳолатда, [REDACTED] айбсизлиги тўғрисидаги вазларини асосли деб бўлмайди.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланувчи [REDACTED] айблилиги ҳақида асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ушбу Кодекснинг 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди [REDACTED] жиноий қилмишини тўғри квалификация қилиб, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорига ва ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига жазони мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, иш бўйича енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, хусусан унинг шахсини, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар қопланмаганлиги, жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олган ҳолда, унга нисбатан ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли, қонуний ва адолатли тўхтамга келган деб ҳисоблайди.

Шунга кўра судлов ҳайъати, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 497<sup>1</sup>, 497<sup>17</sup>, 497<sup>18</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>, 497<sup>36</sup>-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 22 январь кундаги [REDACTED]

[REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

[REDACTED]

